



ИЧИМЛИК СУВИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Ичимлик суви аҳоли саломатлиги, ҳаёт сифатини таъминлашда муҳим манба. Шу боис, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2022 йилларда 12 триллион сўм эвазига 25 минг 300 километрдан ортиқ тармоқлар, 1 минг 800 дан зиёд сув иншоотлари қурилган ва қайта тикланган. Натижада 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувида баҳраманд бўлган, 4 миллиондан зиёд инсоннинг сув таъминоти яхшиланган. Умуман, бугунги кунда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70 фоизни ташкил этмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида марказлашган ичимлик суви қамровини 87 фоизга етказиш, 155 та туман марказларида оқова сув тизимини янгилаш мақсади белгиланган. Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида режалаштирилган лойиҳалар шунинг бир қисмидир.

Давлатимиз раҳбари айнан шу ҳудудларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Сабаби Чуст, Поп, Наманган ва Музработда ичимлик суви таъминоти 50 фоиз бўлиб, аҳоли қолган туманларга нисбатан оғир. Мавжуд тармоқлар ҳам эскирган. Сув қаттиқлиги 1,5 баравар ошгани учун ошқозон-ичак ва урология касалликлари кўпайган.

Янгийўл, Ангрен, Чирчиқ, Олмалик ва Бекобод шаҳарларида оқова сув қамрови 60 фоизга ҳам бормайди. Бу кўрсаткич Чуст ва Чиноз туманларида 3 фоиз бўлса, Мингбулоқда умуман йўқ. Охириги йилларда ушбу туман ва шаҳарларда кўплаб уй-жойлар қурилиб, аҳоли сони яна ўсган.

Тақдимотда мутасаддилар мазкур учта лойиҳа бўйича ахборот берди.

Бу лойиҳалар Сурхондарёнинг Музработ тумани, Наманганнинг 4 та тумани, Тошкент вилоятининг 7 та шаҳар ва туманида амалга оширилади. Улар доирасида 660 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 4 та сув олиш, 7 та сув тозалаш, 12 та оқова сув станцияси барпо этилади. Жами 1 миллион 200 минг нафар аҳоли эҳтиёжини қамраб олади. Жумладан, 590 минг нафар аҳоли илк бора ичимлик ва оқова сув хизмати билан таъминланиб, 595 минг нафарининг сув шароити яхшиланади.

Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари муҳокама қилинар экан, Президентимиз “улар учун сув манбаи етарлими” дея савол қўйди. Лойиҳалар доирасида камида 30 йилга етарли сув захирасини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича тавсиялар берилди. Жумладан, харидларни 80 фоиз маҳаллийлаштириб, 10 фоиз иқтисод қилиш мумкинлиги айtilди.

Яна бир муҳим масала — сарфланган маблағларнинг қайтимини таъминлаш. Чунки кўп жойларда ичимлик суви учун тўлов тушуми тўлиқ эмас. Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятида дебитор қарздорлик 210 миллиард сўмга етган.

Шу боис, энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиб, сув етказиб бериш харажатларини қисқартириш, йўқотишларни камайтириш вазифаси қўйилди. Барча жараёнларни рақамлаштириш, маҳаллабай ишлаб, тўловни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, уларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркор аёлларнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ролини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — нодавлат таълим ташкилотлари), профессионал таълим муассасалари ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг (кейинги ўринларда — Олий мактаб) касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув курсларига йўналтирилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан уч томонлама шартнома асосида ўқув курслари қийматининг 70 фоизи, бироқ 1 миллион сўмдан ошмаган қисми компенсация қилиб бериллади;

уч томонлама шартнома фуқаро, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари ва мазкур бандда кўрсатилган таълим ташкилотлари ўртасида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) тавсиясига кўра тузилади; “Аёллар дафтери”, “Ёшлар дафтери” ва “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари тўлиқ бепул амалга оширилади;

нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Олий мактабнинг касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилади; тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курсларини яқунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

2. Белгилансинки, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Аҳолини тадбиркорликка жалб

қилиш жамғармаси томонидан меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги икки ой мuddатда меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун субсидиялар ажратиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Аёллар дафтери”, “Ёшлар дафтери” ва “Темир дафтар”га киритилган фуқаролар, биринчи навбатда, хотин-қизларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотлари ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув курси қийматининг қолган 30 фоиз қисми Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи, тегишлилиги бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ёки профессионал таълим муассасалари ва фуқаро ўртасида шартномага мувофиқ олдиндан тўлаш орқали қўллаб берилади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ДАВР РУҲИ

Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тимсолида биз том маънодаги Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ИШБИЛАРМОН, САХОВАТЛИ ВА ФИДОЙИ
ТАДБИРКОРЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб хушхабар тарқалди: давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан учрашади. Бу хабар қанот ёзди, юртимиз тадбиркорлари зўр қувонч, кўтаринки руҳ ва катта умидлар билан кутди ўша кунни. Шундай бўлдики, учрашув олдиндан тадбиркорларга уларни йўналтириб келаётган масалаларни, соҳани ривожлантиришга доир тақлиф ва мулоҳазаларини, ташаббусларини олдиндан йўллаш имкони берилди. Тадбиркорлардан 15 мингдан ортиқ савол, тақлиф ва ташаббус келиб тушди.

Юртдошларимиз ҳали унутгани йўқ: мураккаб пандемия давридаги синов ва қийинчиликлар пайтида саховатли тадбиркорлар халқимизга мададкор бўлди, янги иш ўринлари яратишда жонбозлик кўрсатди, муҳтожларга кўмак берди, ишлаб чиқариш ва экспорт қўламини оширди.

Давоми 4-бетда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛИ, ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ НУФУЗИ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

5-бетда ўқинг.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

НИҲОЛНИ “СИЗЛАШ” САМАРАСИ

Асли касбим ўқитувчилик. Ўн йил ўрта мактабда география фанидан дарс бердим. Лекин қишлоқда ўсганим учунми, доимо деҳқончиликка, боғдорчиликка қизиққанман. Ўқитувчилик қилган йилларимда томоркамизда анор, узум ва бошқа мевалар кўчатини етиштириб, бозорга олиб чиқиб сотардим.

Шу ҳавас туфайли бўлса керак, ўтган асрнинг 80-йилларида ҳўжалик раисининг маданий-оқартув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига ишга ўтдим. Кейин йигирма йил туманимиздаги “Маданият” ҳўжалиги бошқаруви раиси бўлдим. Ўша йигирма йил ичида ҳўжаликда пахта ҳосилдорлиги 33 центнердан 53 центнерга етди. Хизматларим учун 90-йиллар бўшида “Шуҳрат” медалига сазовор бўлдим.

2007 йилда эса “Маданият Муҳаммад Исмаилов” фермер ҳўжалигини ташкил этдим. Деҳқончилик қилиш, далада ишлаш осон эмас. Баъзан баҳор, баъзан ёз, баъзан куз ноқулай келади. Ҳатто қиш одатдагидан қаҳролироқ ёки иссиқроқ келса ҳам далада ишлайдиган одамга қийин бўлади.

Давоми 3-бетда

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

МАҚОМ ОҲАНГЛАРИ, РУҲИ ВА ФАЛСАФАСИ ТЕРАН БИР МАЪНАВИЙ УММОН

Жамиятни бирлаштириш, шу асосда уни тараққий эттириш, Янги Ўзбекистон деган номни дунёга танитишда маданият ва санъатнинг алоҳида ўрни бор. Бунни чуқур ҳис қилган Президентимиз ҳатто манаман деган давлатлар иқтисодий инкироздан чиқши йўлларини излаб турган коронавирус пандемияси даврида ҳам санъатни, маданиятни етакчи ўринларга қўйди.

Оммавий эпидемия таъсиридан тушкун, маъзун бўлган кўнгилларга санъат ёруғлик олиб кириши мумкинлиги, ҳаёт завқини бера олишини одамларимизнинг ўзлари ҳам англаб етди.

Шундай оғир вазиятда ҳам Ўзбекистонда “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги фармон имзоланди.

Соҳада янги имкониятлар эшигини очган мазкур ҳўжжат билан Маданият вазирлиги, маданият соҳасининг жамиятдаги нуфузи сезиларли даражада ошди.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

ИЛМ-ФАН ҲИҚМАТИНИ АНГЛАШ САОДАТДИР БУ САОДАТГА ЭРИШГАН ХАЛҚ, ШУБҲАСИЗ, БУЮК БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлиб ўтган учрашувда “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир”, деган эди.

Ўша йиллари академик илм-фан оғир аҳволда эди. Кўплаб илмий-тадқиқот институтлари олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилганди. Президентимиз фармони билан ҳаммаси яна Фанлар акаде-

мияси таркибига қайтарилди. Тизимдаги бир неча илмий-тадқиқот муассасалари ўз фаолиятини қайтадан тиклади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ХУНАР
ВА ТАДБИРКОРЛИККА
ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

4. Маҳаллабэй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий мактаб билан биргаликда **бир ой муддатда:**

ҳар бир маҳалла кесимида ишсиз деб эътироф этилган ва ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг бирламчи рўйхатини шакллантирсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари, Олий мактабнинг ҳудудий филиаллари, Савдо-саноат палатасида шакллантирилган рўйхатларга киритилган хотин-қизларнинг касб-ҳунарга (“Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплекси электрон ахборот тизимида мавжуд бўш иш ўринларидан келиб чиққан ҳолда) ва тадбиркорликка ўқитилишини таъминласин;

ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, касб-ҳунар йўналишлари бўйича курсларни

тугатган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида “Онлайн-маҳалла” платформасини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Mehnat.uz” платформасига интеграция қилиш орқали уларни мавжуд бўш иш ўринларига йўналтирсин.

5. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллабэй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори **М.М.Убайдуллаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва З.Б.Махкамова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 июль

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ

МУШТАРАК ТАРИХ – ЁРҚИН КЕЛАЖАК



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Спратининг Ёшлар,
маданият ва Спорт масалалари
қўмитаси раиси**

Дунё миқёсида оқибатларини олдиндан айтиш мушкул бўлган мураккаб геосиёсий вазият тобора таранглашиб бораётган бугунги кунда тинчлик-тотувлик, ўзаро ишонч, яхши қўшничилик муносабатлари ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунини кунини кеча Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида кўтаринки кайфиятда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувидаги фикр-мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди.

Маслаҳат учрашувида Президентимиз Шавкат Мирзиёев нафақат яқин иқтисодий ҳамкорликни янги истиқболга олиб чиқиш, балки гуманитар йўналишда маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида ҳамда умумий тарихимизни чуқур ўрганиш бора-сида ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни кучайтиришни таклиф этди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, айнан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий

Осиё халқлари муштарак маданияти, санъати, адабиётини улуғлаш, мунтазам тарғиб этиш ишлари мамлакатимизда изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш, адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарорлари қабул қилингани, пойтахтимизда “Ашхобод” сайилгоҳи ва Махтумқули ҳайкали бунёд этилгани, Алишер Навоий ва Жомийнинг дўстона муносабатлари ҳақида бадий фильм суратга олинаётгани каби кўплаб мисоллар фикримизга далил бўла олади.

Чўлпонота шаҳрида ўтган тўртинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз Марказий Осиё давлатларида маданият, санъат ва кино фестивалларини навбатма-навбат ўтказиб бориш, туризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш, махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичида-



ги туризмни фаол рағбатлантириш каби таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Минтақамиз халқлари Самарқанду Бухоро обидаларини, кўхна Хивадаги очик осмон остидаги мафтункор музейни, тарихий томirlаримиз тутатиб кетган Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий

мақбарасини, Каспий денгизи соҳилларидаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасини, Иссиқкўл мавжларини, Помир тоғлари улуғворлигини ўз кўзи билан кўриши, баҳраманд бўлиши уйғун тарихимизни чуқурроқ англаш ва ҳис қилиш имконини беради. Шунингдек, Марказий Осиё халқ ўйинлари спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб бориш ҳам халқларимиз жипслигини янада мустаҳкамлайди.

Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон раҳбари жорий йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ёшлар форумининг самарали яқунларига алоҳида тўхталиб, улкан интеллектуал салоҳиятга эга ёшларимизнинг қараш ва интилишлари ўхшашлигини, уларнинг илгор ташаббуслари, креатив ёндашувлари ва стартап лойиҳаларини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қадар Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлаш таклифини билдирди.

Зеро, ўтмиши муштарак халқларнинг келажаги бугунгидан-да ёрқин бўлмоғида Марказий Осиё ёшлари ҳаракатларини умумминтақавий, умумбашарий эзгу ғоялар йўлида бирлаштириш хайрли самаралар бериши шубҳасиз. Бунда, албатта, кўлами тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарларга алоҳида эътибор қаратиш, ҳеч бир тўсиқларсиз ёшларнинг мобиль телефонлари орқали онли ва қалбини эгаллашга интилаётган вайронкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш зарурлигига урғу берилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг самимий руҳдаги Маслаҳат учрашувлари минтақамизда мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга пойдевор бўлмоқда. Давлатларимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда бундай мулоқотлар муҳим тарихий аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳими, барча ижобий ўзгаришларни биродар халқларимиз ҳис этиб турибди. Бугунги сайёҳаракатлар муштарак тарих китобимизда олтин ҳарфлар билан битилажак!

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР
МАМЛАКАТ РИВОЖИНИНГ АСОСЛИ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ ДАСТУРИДИР

Хитойнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-таҳлилий ва ишбилармон доиралари вакиллари 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси борасида ўз фикр-мулоҳаза ва баҳоларини билдиришда давом этапти.

Экспертлар ўз баҳоларида Тараққиёт стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистон етарли салоҳият ва имкониятга эга деган яқдил фикрни илгари сурмоқда.

Сун ЧЖУАНЖИ,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори, Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти раиси ўринбосари:



— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ўтган беш йилликда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давомидир. Етти устувор йўналишни ўз ичига олган Стратегиянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига ўтишини таъминлайди.

Эътиборли жиҳати, Стратегияда минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Марказий Осиё бўйича эксперт сифатида таъкидламоқчиманки, минтақадаги барча ҳаётий муҳим масалалар — чегаралар хавфсизлигидан тортиб, сув ресурсларини оқилона тақсимлашгача — бевосита Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар даражасига боғлиқ. Ийрик минтақавий лойиҳаларни, жумладан, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни, муваффақиятли амалга ошириш минтақа давлатлари ўртасидаги фаол ҳамкорликни тақозо қилади.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу платформа минтақада барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг бош асоси бўлган дўстлик ва ишонч муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Ли ЮНЦУАНЬ,
Хитой Давлат Кенгаши ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёт институти директори:

— Ўзбекистон минтақавий ва минтақаларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизмида, минтақавий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича ҳамкорлик самардорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ёндашувларнинг алоҳида аҳамияти шундаки, улар бутун минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик белбоғини мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон минтақада инклюзив ривожланиш тамойилларига амал қилиши, ўз тараққиётини бошқа мамлакатлардан айрича кўрмаслиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Минтақавий ва глобал хавфсизлик, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги учун хавф-хатар кучайиб бораётган бир шароитда бундай сиёсат бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Дин СЯОСИН,
Хитой замонавий халқаро алоқалар академиясининг Евроосиё тадқиқотлари институти директори:



— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзланган мақсад ва вазифалар мамлакатнинг реал имкониятларидан келиб чиққан. Бу Ўзбекистон тараққиётининг асосли ва кенг кўламли дастуридир.

Ўзбекистон тараққиётининг аввалги беш йиллик босқичи мисли қўрилмаган ўзгаришлар ва ислохотлар даври бўлди. Юртингизда олдинга силжимаган бирор соҳа қолмади, десак муболага бўлмайди.

Хусусан, амалга оширилган иқтисодий ислохотлар кенг кўламли натижаларга эришиш имконини берди ва республика Марказий Осиёда иқтисодий ўсишнинг энг барқарор давлати ва драйверига айланди.

Янги Стратегия мақсад ва вазифалари ушбу жараёнларнинг давоми бўлиб, Ўзбекистон ўз тараққиётида сифат жиҳатидан юқориқ босқичга қадам қўяётганини намоиш этади.

“ Ишончим комилки, Стратегиядаги барча мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон етарли салоҳият ва имкониятларга эга.



Ли ЦЗИГО,
Хитой халқаро масалалар академияси Евроосиё тадқиқотлари институти директори:

— Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатининг миллий устувор йўналишларини акс эттиради. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида очиклик, фаоллик ва вақтинлик тамойилларига таяниши, мамлакат тараққиёти учун кенг ва қўлай ташқи маконни яратиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар, хусусан, Хитой билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантиришга эътибор қаратиши Стратегияда алоҳида йўналиш сифатида белгилангани муҳимдир.

Ишончим комилки, Стратегиядаги барча мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон етарли салоҳият ва имкониятларга эга.

Дэн ХАО,
Хитой халқаро муносабатлар академиясининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тадқиқотлари институти директори:

— Ўзбекистонда давлат бошқаруви самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, иқтисодиётни либераллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилаётгани, “давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим”, деган тамойил изчил таъбиқ этилгани мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим натижаларидан.

Ислохотлар Ўзбекистоннинг ривожланишига кучли рағбат бермоқда, мамлакатининг кўплаб халқаро рейтинглардаги ўрни сезиларли даражада ахишланди. Ўзбекистон жаҳоннинг “энг илгор ислохотчи давлатлари” рўйхатига муносиб равишда кирди.

Шубҳасиз, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши мамлакатдаги ислохотлар жараёнларини янада чуқурлаштириш ва мамлакат миллий фаровонлигини юксалтириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорликни, хусусан, “Бир макон — бир йўл” дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ва бошқа кўп томонлама механизмлар доирасидаги мулоқотни ривожлантиришда ҳам Стратегияда кўзда тутилган ташқи сиёсий-иқтисодий мақсадлар муҳим роль ўйнайди.

Хэ ЧЖЭНЬВЭЙ,
Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш уюшмаси раиси:



— Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларини ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиляпти. Бу мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширмоқда. Шу нуктага назардан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25 фоизгача камайтириш, саноат ишлаб чиқаришини 1,4 баробарга ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилангани эътиборга молик.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни олқишлаймиз. Уюшмамиз Хитой компанияларини Ўзбекистондаги янги ва истиқболли соҳаларга сармоя киритишга фаол ундамоқда. Хитой сармоялари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга муҳим ҳисса қўшади.

Сун СЯОФЕН,
Хитойнинг “Тайхе” тадқиқот ва таҳлил институти бош котиби:



— 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатни янада ривожлантиришнинг концептуал асослари ва аниқ йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистон ва Хитойда барқарор ривожланиш соҳасида амалга оширилаётган дастурларда ўхшашликларни кузатаман. Мисол учун, мамлакатининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Бу масалага Хитойда ҳам устувор аҳамият қаратилади. Хитойда кўп йиллардан буён мамлакат бўйлаб дарахт экиш бўйича умуммиллий ҳаракат давом этапти. Ўзбекистонда “Яшил макон” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Янги стратегияда Орол денгизининг қуриб қолган тубида яшил майдонлар яратиш, уларнинг умумий майдонини 2026 йил охиригача 2,5 миллион гектарга етказиш вазифаси белгилангани ҳам муҳим. Бу биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва тупроқ эрозиясининг олдини олишга ёрдам беради.

Цзян ЮНГАН,
Хитой таржимонлар уюшмаси вице-президенти, “Жэньминь хуабao” нашриёт уйи директори:



— Марказий Осиёга ихтисослашган мутахассис сифатида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон эришаётган улкан ютуқлар биз учун жуда қувноқли. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси республика барқарор ривожланиш соҳасида юксак марраларни кўзлаётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти Хитойнинг “ислохотлар ва очиклик сиёсати” даврини эслатади. Ислохотлар орқали Хитой миллий модернизацияга амалга оширди ва бугунги кунда дунёдаги иккинчи ийрик иқтисодиётга айланди.

Ислохотлар миллий тараққиётда асосий омил эканини Хитой ва Ўзбекистон тажрибаси яққол исботлаб турибди. Ўзбекистонга бардавом тараққиёт тилайман!

“Дунё” АА
Пекин



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

НИҲОЛНИ “СИЗЛАШ” САМАРАСИ

Муҳаммад АҲМЕДОВ, Бухоро туманидаги “Маданият Муҳаммад Исмат” фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Лекин деҳқоннинг, айниқса, фермернинг об-ҳавони баҳона қилишга — “кучатимни кўкламда дўл уриб кетди, ёзда даламга сув етиб бормади, кузда ҳосилни йиғиб олишга ишчи кучи, техника етишмади” дейишга ҳақли йўқ. Чунки унга ишониб юзлаб гектар ер берилган, у етиштирадиган мўл ҳосилга атрофдаги минглаб қорақўз қараб турибди. Шу боис, фермер ҳар қандай шароитда ҳам ердан қўзланган ҳосилни олиши керак.

Бу гапим қимларгадир балеандарвоздек кўринар. Аммо менинг ширим шундай: фермер баҳона эмас, чора излаши лозим, шунда қўзлаган мақсадига эришади.

Фермер хўжалигимиз экин майдони 220 гектар. Унинг 85 гектарига галла, 105 гектарига пахта, қолганига турли хил полз ва сабзавот экинлари эканмиз. Бундан ташқари, 100 бош қўй, 150 бош товуқ, 40 бош қурқамиз ҳам бор. Бир гектар ерда балиқ, 30 қути асалари боқялмиз.

“Деҳқончиликда йил йилга ўхшамайди. Ҳосилдан, даромаддан умидвор фермер ҳар бир ниҳолни “сизлаши” керак. Барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, сидқидилдан бажариши зарур”, деган эди Президентимиз Фарона вилоятининг Олтиариқ тумани фермерлари билан учрашувда.

Давлатимиз раҳбарининг шу гапларига амал қилганимиз тўғрйли бу йил галла ҳосили мўл бўлди. Гектаридан 70 центнердан уруғлик бўғдой олдик. Пахтадан ҳам 60 центнерни қўзлаганмиз. Мўл ҳосил олинган, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Жорий йилда галладан топган умумий даромадимиз 2 миллиард сўми, соф даромадимиз эса 700 миллион сўми ташкил этди. Пахтадан 1 миллиард сўм соф даромад олишни мўлжаллаб турибмиз. Яқинда бу йилги бўғдой ҳосилининг 20 тоннасини хўжалигимиз аъзоларига мукофот сифатида тарқатдик. Шунча йил далада ишлаб, чиқарган хулосам шу бўлди: ер билан тиллашиб ва диллашиб ишланса, агро-



техник тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилса, тўпроқ зарга, деҳқон заргарга айланади. Инсон ерни алдамаса, ер инсонни алдамайди.

Хўжалигимизда 31 нафар ишчи бор. Ҳаммаси билан оилавий пудрат асосида шартнома тузилган. Эрта баҳордан кузгача уларга бўнак бериб бораман. Йил якунланган эса ҳисоб-китоб қиламиз. Ерни оилаларга шартнома асосида бўлиб берганим учун ҳамма астойдил, жон-дили билан ишлайди. Чунки ҳосил қанча кўп бўлса, улар шунча кўп даромад олади. Бошқача айтсам, фермер хўжалигимиз даласи улар учун ўз томоркасидай гап.

Кечаги фермер билан бугунги фермерни солиштириб бўлмайди. Яқин-яқингача фермер қозғода ер эгаси эди-ю, лекин қўли боғланганди. Махсулотни давлат буюртмаси асосида экарди, арзон нархда давлатга сотарди. Шунча меҳнат қилиб, йил охирида қарз бўлиб қоларди. Ҳисоб рақамига келиб тушган сотилган махсулотларининг пулини банк ҳеч қимдан сўраб ўтирмасдан ўғит, уруғлик, сув, техника хизмати ва бошқа харажатлар учун ушлаб қоларди. Бошқача айтганда, фермернинг қўли пул кўрмасди. Энди айтинг-чи, қим шундай шароитда жонини жабборга бериб ишлайди? Қим мўл ҳосил олишга ҳаракат қилади? Ҳеч қим. Шунинг учун барча юмушлар номига, қўл унда бажариларди, ҳосилдорлик ҳам шунга яраша бўларди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фермерга эркинлик берди. Фермерда ўзи хоҳлаган экинни экиш, етиштирган махсулотини хоҳлаган кишисига сотиш

имконияти пайдо бўлди. Кейинги йилларда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги бир неча баробар ошганининг сабаби шу. Қўллаб фермерлар ўзи етиштирган махсулотини ўзи хорижга сотаяпти. Шунинг учун, керак бўлса, кечаю кундуз ишляпти.

Шу ўринда мени қувонтирган яна бир нарсани айтмасам бўлмайди. Кластерлар пайдо бўлгани барча соҳа ривожига муҳим ўрин тутди. Лекин айрим қишлоқ хўжалик кластерлари монопол мавқега эга бўлиб олиб, улар томонидан хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам мен билан ишлайсан дейиш, фермернинг нонини яримта қилишга уриниш ҳолатлари ҳам учради. Давлатимиз раҳбари бу салбий ҳолатни ўз вақтида сезди ва бартараф этди. Бугун фермер қайси кластер билан ишлашни ўзи хал қилади, ўзига маъқул келган, имконияти яхши кластер билан ҳар икки томон учун ҳам манфаатли шартнома асосида ишлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилояти Бекобод туманидаги бир фермер хўжалигида бўлганда айтган гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. “Бизнинг камчилигимиз қишлоқ хўжалигида илмни ишлатмаймиз. Дунё бозорида рақобат шafқатсиз. Унга муносиб бўлиш учун, аввало, илм керак. Яхши нав, яхши қаров, инновацион технологиялар керак. Деҳқон далага кирдим, даромад топиши зарур”, деган эди ўшанда Шавкат Мирзиёев.

Хўжалигимиз уруғликка ихтисослашган. Шунинг учун селекционер олимлар билан мунтазам алоқа ўрнатганмиз. Энг яхши уруғларни даламизда синаб кўрамиз. Айни кунда сувсизликка ва шўрга чидамли, тола сифати юқори бўлган “Жондор қудрати” навини яратиш бўйича тажриба-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Умумий майдонимизнинг 50 гектарини томчилатиб сўғорамиз. Бунинг афзаллиги шундаки, ҳам сув сарфи камаейди, ҳам ортиқча ишчи кучи керак эмас. Бугун ҳеч бир фермер, илмсиз, янги нав, яхши қаров, инновацион технологияларсиз муваффақиятга эриша олмайд.

2017 йилда Президентимиз фармони билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвонига сазовор бўлган эдим. Шундан сўнг хўжалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, халқ манфаати, юрт равнақи йўлида янада кўпроқ меҳнат қилишга келишиб олдик. Натижада нафақат вилоят, балки республикадаги етакчи хўжаликлардан бирига айландик.

Ўтган йили қаҳрамон бўлганимни эшитганимда, рост, қўзларимга ёш келди. Бундай эътибор ва ҳурмат учун давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эътибор, фермер хўжаликларига солиқ тўлаш, зарур техникаларни харид қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун хориждан хомашё, технологик ускуналар олиб келишда бож тўловлари борасида енгиллик ва имтиёзлар берилиши замирида халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашдек улук мақсад мужассам. Ишончим комилки, бу мақсадга албатта эришамиз.

Жараён

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

МАҚОМ ОҲАНГЛАРИ, РУҲИ ВА ФАЛСАФАСИ ТЕРАН БИР МАЪНАВИЙ УММОН

Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Соҳа ходимлари йиллаб орзу қилган касб байрами — 15 апрель санасида илк бор Маданият ва санъат ходимлари кўни нишонланди. Санъатқору ижодкор, маданият ходимлари биринчи бор бир-бирларини касб байрамлари билан тўқинланиб, баъзилари кўзда ёш билан табриклади. Президентимизнинг бизга йўллаган табриғидеги “Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалби-



қат ва фақат фидойилик қилиш керак. Шу мақсадда қабул қилинаётган ҳужжатлардан ҳам миллий musiқа санъатимиз, айниқса, мақомни янада ривожлантириш, унинг очилмаган қирраларини дунёга олиб чиқиш кўзланаяпти.



дан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагини чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”, деган фикрлар эса биз, устозларнинг шоғирдлар олдидеги масъулиятимизни янада оширди.

Мақомга ҳеч қачон бугунгидек алоҳида эътибор, рағбат бўлмаган. Биргина Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти ташкил этилишининг ўзи бу борадаги ҳар қандай эътирозга ўрин қолдирмайд.

Миллий санъатимизга бу қадар эътибор бежиз эмаслигини Президентимизнинг Шахрисабздаги мақом санъати анжуманида сўзлаган нутқи ҳам исботлайди. Нутқда мақомнинг катта бир қомусга ўхшатилишида унинг ўзидегида чуқур фалсафийлик мавжуд. Уша “қомус”да таълим-тарбия, инсоннинг руҳияти, дарди бор.

Демак, мақом санъатини, умуман, санъатимизни ривожлантиришдан бир зум тўхтамаслик, бу йўлда фа-

Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида миллий чолғуларимиздан камида биттасини, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасини ижро қилиш мақоратига эга бўлиш musiқа фани ўқитувчилари учун мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Агар болаларимиз ҳаётига миллий чолғуларимиз ҳамроҳ бўлса, уларда миллий қадрият ва анъаналаримизга ўзгача меҳр уйғонади.

Қўллаб мактабларга бордик. Ҳатто бир таълим рус тилида ўқитиладиган мактабда ўқувчилар Навоий газалларини ўқиб, миллий чолғуларимизни чалиб бераяпти.

Кириш имтиҳонларида қатнашяпти. Қўлларидеги доира, дутор билан келган ва ўзи билганича ижро қилаётган ёшларни кўриб қувонамиз. Улар санъатга шахдам қадам билан кириб келяпти. Биз каби улар ҳам

устозлари изидан бориб, ўрганганларини ўзларидан кейинги авлодга етказад. Шу тариқа қадим қадриятимиз — “устоз-шоғирд” аънасини ҳам давом этиб бораверади.

Бугун мен фаолият юритаётган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институтида истеъдодли ёшларни тарбиялаб вояга етказаятган фидойи устозлар анча. Ўзбекистон халқ хофизлари Маҳмуджон Йўлдошев, Эркин Рузметов, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон халқ артистлари Замира Суюнова, Фурқат Ашуралиев, Элмурод Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Комила Бўриева, Нодира Пирматова, Моҳичеҳра Шомуродова, доцентлар Шавкат Матёкубов, Муҳаббатхон Солиҳова, Матлуба Каримова каби устоз-мураббийлар шулар жумласидан.

Умуман олганда, бугуннинг ёшлари қайси соҳага қадам қўямасин, чексиз имкониятлар даврида улғайяпти. Улар билан ишлаб, сабоқ бериш асосида бунга кўпроқ амин бўламан.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги гаплари ҳали санъатимизга кўп хизмат қилишимиз кераклигини яна эслатиб туради: “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва марраларимиз барча соҳалар қатори маданият ва санъат жаҳасида ҳам олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда. Аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизда халқчиллик таъмоилларини янада ошириш, уни том маънода эл-юртимизнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, энг юксак халққаро мезон ва талабларга жавоб берадиган соҳага айлантириш — энг муҳим вазифадир. Аҳоли, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни турли бузғунчи ғоялар, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда биз сизлар каби минглаб фидойи маданият ва санъат намояндалари таянамиз”.

Яқиндагина давлатимиз раҳбари имзоланган “Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармон соҳа ривожига янги имкониятларни белгилаб бераётгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, санъатга умид билан кириб келаётган ёшларнинг эртанги кунига, санъатнинг қаттиқ нонини-да қийналмай ейишига умид уйғотувчи, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатлардан бири бўлди. Инсон қадри бу, инсон қадрини улуглаш бу.

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

ИЛМ-ФАН ҲИҚМАТИНИ АНГЛАШ САОДАТДИР

БУ САОДАТГА ЭРИШГАН ХАЛҚ, ШУБҲАСИЗ, БУЮК БЎЛАДИ

Шавкат АЮПОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Математика, Ядро физикаси, Сейсмология институтлари фаолияти тўғрисида тақомиллаштирилди. Миллий археология маркази ташкил этилди.

Соҳадаги долзарб масалалар ҳал этилиб, илмий тадқиқот фаолияти қўллаб-қувватлана бошлади. Олимлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, доцентлар маоши даярли уч баробар оширилди. Лаборатория ускуналари олиш учун зарур маблағ ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар орқали соҳани янада тараққиёт этириш, олий таълимдан кейинги таълим институтлари фаолияти ҳамда илмий қадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, илм-фан ва иқтисодиёт тармоқлари интеграциясини янада тақомиллаштириш, халққаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлари қабул қилинди. Хусусан, математика фанини ривожлантириш ва институт фаолиятини тақомиллаштиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Президентимиз фармони билан Фанлар академияси таркибиде В.Романовский номидаги Математика институти қайта тикланди. Талабалар шахарча-



сида муассаса учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда институт бўлиналари очилгани ортидан математикани ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина ташкилий муаммолар ҳал этилди.

Бу бўлиналар институтимизга бевосита тегишли бўлса-да, жойлардаги университетлар ҳузурида ташкил этил-

ди. Мақсад — фан билан таълимни имкон қадар ўзаро яқинлаштириш. Таълим фансиз ривожланмайди. Фанни ривожлантириш учун эса ёшлар керак. Шунинг учун олимларнинг талабалар билан бирга ишлаши фаннинг таълимига яқинлашувига хизмат қилмоқда. Шу боис, олимларимиз жойларда талабалар билан бирга ишлаб, уларни илмий ишларга жалб этмоқда. Қолаверса, университетлардаги ёш олимлар бўлиналарга келиб, илмий ишини давом эттириши учун шaroит яратилди. Ёшларнинг математика фанига қизиқишини ошириш мақсадида академиклар, профессор-ўқитувчилар иштирокида “Уч авлод учрашуви”, “Устоз-шоғирд”, “Мақорат дарслари” каби тадбирлар ҳам фаолиятимизда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Институт тадқиқотлари жаҳон даражасида эътироф этилиб, у ерда функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, ҳисоблаш техникаси бўйича илмий мактаблар фаолият юритади ҳамда мамлакат эътиёжи учун юқори малакали қадрлар тайёрлаш бўйича йирик илмий марказдир. Ходимларимизнинг 7 нафари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига ва 5 нафари нуфузли Жаҳон Фанлар академияси (TWAS) аъзолигига сайланган.

Бугунги кунда математик олимларимиз анъанавий йўналишлардан ташқари янги кимёвий бирикмалар ҳоссалари прогнозига сунъий интеллектни қўллаш, янги дори-дармон ишлаб чиқишда

66

БУГУНГИ КУНДА МАТЕМАТИК ОЛИМЛАРИМИЗ АНЪАНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДАН ТАШҚАРИ ЯНГИ КИМЁВИЙ БИРИКМАЛАР ҲОССАЛАРИ ПРОГНОЗИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚўЛЛАШ, ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОН ИШЛАБ ЧИҚИШДА ЯНГИ КИМЁВИЙ БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ УЧУН КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯСINI ЯРАТИШ КАБИ ЗАМОНАВИЙ СОҲАЛАРДА ҲАМ ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗЯПТИ.

янги кимёвий бирикмалар синтези учун компьютер технологиясини яратиш каби замонавий соҳаларда ҳам тадқиқот ўтказяпти.

Фан, айниқса, математика ривожига халққаро алоқаларнинг ўрни бекиёс. Замонавий компьютер томографияси қурилмалари нафақат табиёиёт, шунингдек, санаотда ҳам фаол қўлланмоқда. Табиий равишда бундай қурилмаларнинг дастурий таъминотини оптималлаштириш ҳам муҳим масалалардан. Бунинг учун шу дастурий таъминот асосида ётган Фурье алмаштиришлари, сингуляр ва регуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун оптимал квадратур ва интерполяция формулалар ишлаб чиқиши зарур. Бугунги кунда жаҳон миёсисида шубу йўналишда фаол илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, В.Романовский номидаги Математика институтининг Ҳисоблаш математикаси лабораторияси ходимлари Жанубий Корея илгор фан ва технология институти лаборатория мудири, профессор Чан Ок Ли билан ҳамкорликда “Компьютер то-

мографиясининг 2D ва 3D тасвирларини қайта тиклаш учун оптимал алгоритмлари ишлаб чиқиш” фундаментал лoйиҳаси устида илмий изланиш қилмоқда. Ҳамкорлик натижасида янги оптимал формулалар ишлаб қилиб, тасвирларни қайта тиклашда қўлланилди.

Илм авлодлар халқасида ривожланади, мамлакат равнақиға хизмат қилади. Фан ривожига ёшларнинг ўрни алоҳида. Айниқса, математика — ёшлар фани. Илгари мактаб битирувчиларининг 9 фоизигина олий таълим муассасаларига қамраб олинган бўлса, ҳозир қарийб 30 фоизни ташкил этмоқда. Келгусида бу кўрсаткич 50 фоизга етиши кутилляпти. Бунинг учун юртимизда янги университетлар очилмоқда. Хорижий университетлар филиаллари фаолиятини бошлади. Бу, албатта, жуда қувонарли. Демак, олий маълумотли ёшлар қанча кўп бўлса, етук қадрлар шунча кўпаяди. Шунинг учун нафақат олий таълим муассасалари, балки мактаблар билан ҳам ишлаб, худудлардаги бўлимларимиз орқали ёш иқтидорли математикларни тарбиялаш

масаласини кун тартибига қўйганмиз. Академикларимиз Президент мактаблари, ихтисослашган мактабларга бориб, ўқувчиларга машғулот ўтмоқда. Бу фан ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дунё тажрибаси мисолда илм-фанга эътибор самарасини таҳлил қилсак, қизиқарли маълумотларга дуч келамиз. Масалан, ўтган асрнинг 50-60-йилларида АҚШда ўқишга, айниқса, математика таълимига жуда катта эътибор қаратилган. Шундан сўнг ҳар йили математика соҳасида 1000 нафар фалсафа докторини тайёрлаш ташаббуси илгари сурилган. Яънийли машғулот олим айтишича, бу маълумотли эшитиб қўллар хайрон бўлган экан, ахир ҳар йили 1000 нафар математик олим қандай қилиб иш билан таъминлаш мумкин? Лекин тажриба шуни кўрсатдики, АҚШда ҳар йили математика бўйича илмий иш ёқлабмиган 1000 нафар фан докторидан ташқари бошқа давлатлардан келган, мамлакатда соҳага дэътиборни ҳис қилган қўллаб математиклар ҳам иш билан таъминланган. Ўз навбатида, бу бошқа фанлар ривожига ҳам таъсир кўрсатган. Шундан кейин АҚШда информация технологиялар, сунъий интеллект соҳаси жуда тараққиёт этди.

Хитойда ҳам аниқ фанларга эътибор катта. Сунгги йилларда АҚШ, Европа олимлари ҳам бу мамлакатда фаолият юритишга қизиқмоқда. Бизнинг олимларимиз ҳам Хитойдаги ҳамкасблари билан фаол тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бу ҳам фан тараққиёт этаётганидан далолат беради. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Қаерда фанга эътибор катта бўлса, ўша ерда ривожланиш бўлади.

Президентимиз раҳбарлигида сунгги йилларда илм-фан, хусусан, математика ривожига берилётган алоҳида эътибор яқин йилларда ўз самарасини кўрсатиб, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторига киришдек олий мақсадига хизмат қилиши шубҳасиз.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ИШБИЛАРМОН, САХОВАТЛИ ВА ФИДОЙИ ТАДБИРКОРЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА



Бошланиш 1-бетда

20 августда бўлган ўша тарихий учрашувда Президентимиз бу каби фидойи тадбиркорларга раҳмат айтган, уларнинг 100 нафарига ўз номидан миннатдорлик хатини йўллаган эди.

Орадан қарийб бир йил ўтди. Бу қисқа вақтда кўп марраларни забт этдик, катта ютуқларни қўлга киритдик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги мақсадларимиз сари катта қадам ташладик. Жумладан, ўтган бир йил мобайнида юзлаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушди, минг-минглаб иш ўринлари пайдо бўлди, янги турар жой, боғча, таълим ва тиббиёт муассасалари қурилди. Қанчадан-қанча юртдошимиз уй-жой билан таъминланди, рўзгорига қараб кирди.

Буларнинг бари шунчаки, ўз-ўзидан бўлгани йўқ ёки кимдир четдан келиб ёрдам бермади. Бу аниқ мақсад билан йўлга қийилган, пухта ўйланган катта ислохотлар ютуғи бўлди. Ана шу йўлда Президентимиз тадбиркорларни, у хоҳ маҳаллий, хоҳ хорижлик бўлсин, ишончли қўллаб-қувватлагани, имтиёз ва имкониятлар бергани яхши самара кўрсатди.

Бу йил мустақиллигимизнинг 31 йиллигини ёруғ юз, катта мақсад ва режалар билан қутиб олиш тараддуидамиз. Шу қўнларда ахборот манбаларида “Президент бу йил ҳам тадбиркорлар билан учрашар экан”, деган расмий хабарлар кенг тарқалмоқда. Иқтисодчи-экспертлар бўлажак очиқ мулоқот нафақат тадбиркорлар, балки иқтисодиётимиз ривожини ва одамлар турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилувчи муҳим тадбирлардан бири бўлишига ишонч билдирмоқда.

Бинобарин, бугун Ўзбекистон тараққиётида, юртимизнинг жаҳон бозоридида мустақкам ўрин эгаллашида тадбиркорликнинг ўрни гоёат юқори. Жумладан, ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд одам меҳнат қилаётгани эса тадбиркорликнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА АСОС ВА ОЧИҚ РАҚАМЛАР ШАРҲИ

Деярли ҳар куни тадбиркорлар билан гаплашамиз, ўй-фикрларини сўраймиз. Фаолиятидаги ангилклардан хабардор бўлгимиз келади. Улар айтдики: “Президентимиз бизга кенг имкониятлар эшигини очди. Ававал бирор ишни бошлай десак, бошимиз галевдан чиқмасди. Бузун кредит ёки субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда қўллаб-қувватлаш имконияти ва шароитлар яратилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мажбур чекловлар, тўсиқ ва гоғларга барҳам берилди. Бизга яна нима керак? Фақат ишлаш, янги гоғларни амалга ошириш қолди. Элимизга фойдамиз теғса, шундан хурсандимиз”.

Бундан ҳулоса шуки, бугун халқимизда ҳам, давлат идораларида ҳам тадбиркорларга муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ортди. Натижада бизнес билан шуғулланиш истагида бўлганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимиз тадбиркорлар билан ўтган йилги учрашувда “Агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани

янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур”, дея таъкидлаган эди. Бу амалда ўз аксини топаётганини ён-атрофимиздаги ўзгаришлар, тадбиркорлар фикрлари мисолида кўриб турибмиз.

— Давлатимиз раҳбари фаол ва ишончли ишбилармонлик муҳити учун шароит яратиб беряптими, шахсан ўзи қўллаб-қувватлаб, ҳимоясига оляптими, нима учун тадбиркорлик қилмаслик керак экан?! — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов. — Ўйлайманки, аксинча, эътибордан руҳланиб, куч олиб, янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш зарур. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилги очиқ мулоқот шаклидаги учрашуви тадбиркорларимизни янги-янги марралар сари ундади. Чунки унда соҳа ривожига оид қўллаб-қувватлаш муҳокама этилди. Бизнес вакиллари-нинг тақлиф ва мулоҳазалари, таъбир жоиз бўлса, дардлари эшитилди. Айримлариға шу ернинг ўзида ечим топиб берилди.

Очиқ мулоқотнинг нечоғлиқ муҳим эканини қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Ўтган йилги мулоқот чоғида Президентимиз соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган 7 йўналишдаги 57 та янги ташаббус ва тақлифни илгари сурди ва уларнинг ижроси тўлиқ таъминланмоқда.

Келинг, шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига тўхталсак.

Қарорда оилалар даромадиға даромад қўшувчи қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Марказий банк сайтида чоп этилган мақолада келтирилишича, бугунги кунда тегишли дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада оилавий тадбиркорлик, даромад топишға қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва унинг турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлариға умумий тартибда асосий қарз бўйича 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатға ажратилади. Дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ ҳўжалиғи техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача, “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва хомашё материаллар харид қилиш, хунармандликни ривожлантириш марказлари, “ус-та-шоғирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ҳамда иншоотлар сотиб олиш учун 3 йилгача ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатға берилади.

Кредит миқдори жиёмоний шахсларға 33 миллион сўмгача, давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлариға учинчи шахс қафиллиғи, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови ва бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида тақдим этилади. Шунингдек, 225 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредитлар кредит олиш истагини билдирувчи тадбиркорлик субъектлариға ҳоким ёрдамчиси тавсиясига мувофиқ, туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг асослантирилган ва натижадорлиғи аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги қарори асосида берилади.

Бу — юртимизда охириги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган бир ҳужжатнинг айрим вазифалари, холос. Ваҳоланки, шу давр ичиде 2 та қонун, Президентнинг 7 та фармони ва 10 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори ҳамда 18 турдаги бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда белгиланган вазифалар эса янада залворилди. Масалан, ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар, цемент ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга камайитрилди. Туристик йўғимни ҳисоблаш ва тўлаш 2023 йилнинг сентябрь ойиға қадар тўхтатилди.

Давлат эҳтиёжи учун ер участкаларининг олиб қўйилиши оқибатида 347 та тадбиркорлик субъектиға етказилган 105,2 миллиард сўм миқдоридеги зарар қўллаб берилган. Худудларда майдони 374 гектар бўлган 10,5 мингта ер участкаси аукционға чиқарилган. Тижорат банклари томонидан 561 та ишбилармоннинг 123 миллион долларлик кредити миллий валютаға ўтказилди.

— Мана шуларнинг ўзиёқ шахсан давлатимиз раҳбари соҳанинг ҳар бир жиҳатиға ўзгача эътибор ва рағбат бераётганидан далолат, — дея фикрини давом эттирди Д.Ваҳобов. — Қолаверса, бугун Ўзбекистон дунёға очилмоқда. Жаҳон бозорига интиломоқда. Айтайлик, авваллари биз эҳтиёж учун зарур цементнинг 60-70 фоизгача қисмини импорт қилган бўлсак, ҳозир уни экспорт қилишғаёғим имконимиз бор. Яъни қисқа муддат ичиде худудларда 10 дан зиёд корхона ташкил этилди. Муҳими, жараён тўхтаб қолгани йўқ. Ушбу йўналишда яна бир неча лойиҳа амалға оширилади. Бу айнаи шу қурилишбоп маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишиға шароит яратилгани самарасидир.

ИМКОНИЯТ ЯНГИ БОЗОРЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Дарҳақиқат, қачонки тадбиркорларға қўшимча бозорға йўл очилса, у фаолиятини кенгайтиришға қизиқади. Шунда маҳсулотига талаб ошади. Бу унинг даромади ҳам қўпаяди, деганидир. Шу жиҳатдан олганда, ўтган йили Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “GSP+” дастуриға аъзо бўлиши юртимиз ишбилармонлариға ҳам, инвесторларға ҳам катта имконият яратди. Масалан, “GSP” (Умумлаштирилган имтиёзлар тизими) Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 6 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот Европа бозорлариға эркин кириб боришиға йўл очади.

Жорий йилда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига бойкотнинг олиб ташланиши юртимиз тўқимачилик саноатида энг жоғибадор мамлакатлардан бириға айланишиға олиб келади. Бу эса тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига

кириб келишиға имкон яратади. Мамлакатда янги-янги ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўлиши ва юзлаб одамларни иш билан таъминлашға, экспорт ҳажми ошишиға хизмат қилади. Ваҳоланки, ўзбек пахтасига илк бор 2009 йилда бойкот эълон қилинган бўлса, орадан бир йил ўтиб “Cotton Campaign” коалициясининг ушбу қақирғиға 60 дан ортиқ компания қўшилганди. 2022 йилға келиб эса ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар (савдо билан шуғулланувчи компания) сони 331 таға етганди. Улар орасида дунёға машҳур брендлар бор. Тасаввур қилинг, энди уларға ўзбек пахтаси билан ишлашда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбек толасидан тайёрланган маҳсулот ҳақон бозориде эркин айланади. Ўз ўрнида, тадбиркорларимиз ҳам осон ва мустақил равишда хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қила олади.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотлариға қўра, бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхона кичик ва ўрта бизнесға тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Дунёда кичик бизнеснинг ақсарият қисми оилавий корхона шаклида фаолият юритаётир. Европа Иттифоқиде кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолининг учдан икки қисми шу соҳада банд. Европа давлатларида ялли миллий маҳсулотнинг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуғи 95 фоиздан зиёд. Булардан аён бўладикки, мамлакат ривожини ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг улуғи жуда муҳим.

Бундан ташқари, биз терини ҳам фақат хомашё сифатида четға сотардик, холос. Энди уларни қайта ишлаб, йилға ўртача 400 миллион АҚШ доллари-дан ортиқ экспорт қилляймиз. Тўқимачилик соҳасида алоҳида қарорлар қабул қилиниши натижасида ўтган йил якуни бўйича мазкур соҳада 3 миллиард доллардан ортиқ маҳсулот хориж бозорлариға етказиб берилди. Жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 1 миллиард 700 миллион долларға етди. Қолаверса, жорий йилнинг январь-июнь ойларида юртимиз бўйича 49 минг 702 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Шундан 36 минг 200 дан зиёди масъулияти чекланган жамият, 6 минг 100 дан ортиғи хусусий, 7 минг 200 дан кўпроғи оилавий корхонадир.

ИМКОНИЯТ ЯНГИ БОЗОРЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Дарҳақиқат, қачонки тадбиркорларға қўшимча бозорға йўл очилса, у фаолиятини кенгайтиришға қизиқади. Шунда маҳсулотига талаб ошади. Бу унинг даромади ҳам қўпаяди, деганидир. Шу жиҳатдан олганда, ўтган йили Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “GSP+” дастуриға аъзо бўлиши юртимиз ишбилармонлариға ҳам, инвесторларға ҳам катта имконият яратди. Масалан, “GSP” (Умумлаштирилган имтиёзлар тизими) Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 6 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот Европа бозорлариға эркин кириб боришиға йўл очади.

Жорий йилда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига бойкотнинг олиб ташланиши юртимиз тўқимачилик саноатида энг жоғибадор мамлакатлардан бириға айланишиға олиб келади. Бу эса тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига

кириб келишиға имкон яратади. Мамлакатда янги-янги ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўлиши ва юзлаб одамларни иш билан таъминлашға, экспорт ҳажми ошишиға хизмат қилади. Ваҳоланки, ўзбек пахтасига илк бор 2009 йилда бойкот эълон қилинган бўлса, орадан бир йил ўтиб “Cotton Campaign” коалициясининг ушбу қақирғиға 60 дан ортиқ компания қўшилганди. 2022 йилға келиб эса ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар (савдо билан шуғулланувчи компания) сони 331 таға етганди. Улар орасида дунёға машҳур брендлар бор. Тасаввур қилинг, энди уларға ўзбек пахтаси билан ишлашда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбек толасидан тайёрланган маҳсулот ҳақон бозориде эркин айланади. Ўз ўрнида, тадбиркорларимиз ҳам осон ва мустақил равишда хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қила олади.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотлариға қўра, бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхона кичик ва ўрта бизнесға тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Дунёда кичик бизнеснинг ақсарият қисми оилавий корхона шаклида фаолият юритаётир. Европа Иттифоқиде кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолининг учдан икки қисми шу соҳада банд. Европа давлатларида ялли миллий маҳсулотнинг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуғи 95 фоиздан зиёд. Булардан аён бўладикки, мамлакат ривожини ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг улуғи жуда муҳим.

УЧРАШУВГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА?

Тадбиркорларнинг Президентимиз билан галдаги мулоқотиға ҳам қўн вақт қолмади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тадбиркорлар муаммосини тегишли вазирлик ёки идораларға олиб чиқадиган ташкилот, яъни ўртада ўзига ҳос кўприк вазифасини ўтовчи воситачи сифатида жараёнга пухта ҳозирлик қўрмоқда.

Палатанинг 30 дан ортиқ мутахассиси икки ойдан буён тадбиркорлар муурожаатларини “1094” қисқа рақами ёки бошқа онлайн воситалар орқали қабул қилмоқда. Хусусан, 18 июль ҳолатиға қўра, 6500 га яқин муурожаат олинди, соҳалар бўйича таҳлил қилинмоқда.

Шунингдек, тадбиркорликнинг муайян тармоқлари вакиллари билан алоҳида бизнес учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари йилгилмоқда. Мавжуд камчиликлар омиллари ўрганилмоқда. Қолаверса, палата ичиде махсус қўмиталар фаолияти ҳам йўлга қўйилган, бу тузилма ҳам соҳа вакиллари билан ишлашни енгиллаштирмоқда.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтган йил 20 августдаги очиқ мулоқот шаклидаги учрашуви ҳақида гапирдик. Ўшанда қўллаб тадбиркорларимиз давлатимиз раҳбари билан бевосита мулоқотға киришган ва қатор тақлифлар, ташаббусларни айтган эди. Бугун уларнинг айримларидан ўша учрашувдан кейин қандай ўзгаришлар рўй берганини ёзиб олдик.

МАҲАЛЛАНИ ЯНАДА ОБОД ҚИЛИШ, ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИШГА БЕЛ БОҒЛАГАНМАН

Шарофат НОРИЕВА,
Ҷиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ ва самимий мулоқоти чоғида бизға соҳа олдидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари, бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича тақлиф ҳамда ташаббуслар бериш имконияти яратилди. Мен ҳам банкдан олинаётган кредитлар ставкасини пасайтириш ва муддатини узайтириш, шунингдек, хорижий валютада кредит олиб, доллар ёки евро курси ошиши натижасида қийин аҳволда қолган қўллаб тадбиркорларимизни кўриб, чет эл валютасида олинган кредитларни сўмға ўтказишни сўрагандим. Ушбу тақлифим қўллаб-қувватланди.

Қолаверса, ушбу мулоқотгача ҳаёлимдан нимаға деярли барча соҳа вакиллари-нинг касб байрамлари бор-у, тадбиркорларники йўқ, деган ўй бир неча маротаба ўтганди. Буни қарангки, давлатимиз раҳбари биринчи мулоқот ўтказилган сана — 20 августни Тадбиркорлар куни сифатида кенг нишонлашни тақлиф қилди. Тўғриси, бу барча тадбиркорларимизнинг дилидаги гап бўлди.

Президентимиз билан ушбу мулоқотдан сўнг фаолиятимни кенгайттирдим. Авваллари фақат



гулчилик билан шуғулланган бўлсам, ҳозир кўп тармоқли тадбиркорман. Ёш тадбиркорларни ўқитиш учун 100 ўринли марказ, кластер ташкил этдим. Шу билан бирга, туманимизнинг Олмачи маҳалласида Президент вакили — ҳоким ёрдамчиси синфатида фаолият кўрсатаман. Шу жамиятнинг бир вакили, шу элнинг фарзанди сифатида тажрибаға таяниб, берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзим яшаётган маҳаллани янада

обод қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, эл дуосини олишға бел боғлаганман.

Бу йил мен учун ҳам жуда қувончли келди. Хотин-қизлар байрами арафасида давлатимиз раҳбари фармониға қўра, “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирландим. Муқофотни шахсан Президентимизнинг ўзидан олишға муяссар бўлдим. Битта оддий тадбиркорға шунчалик эътибордан қалбим қувонч, фахр ва ифтихорга тўлди. Бу, ўз навбатида, менға катта масъулият юкледи.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан иккинчи очиқ мулоқоти ўтказилиши қутилмоқда. Бу уларнинг фаолиятиға боғлиқ масала, бизнесини кенгайтириш ва ривожлантиришға туртки берадиган гоғ ҳамда тақлифлар билан тўғридан-тўғри Президентимизға муурожаат қилиши учун навбатдаги имконият бўлади. Тадбиркорларимиз ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, ўз муаммо ва масалаларига ечим топиши шўбҳасиз. Эътибор ва ғамхўрликларға жавобан улар иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида ўзларининг бунёдкорлик ва яратувчанлик, фаоллик ва ишбилармонлик жиҳатларини кўрсатиб, Янги Ўзбекистон тараққиётиға ўз ҳиссасини қўшади.

Одилбек МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳридаги “PDP IT Academy” маркази раҳбари

Президентимиз билан бир йил олдин бўлиб ўтган очиқ мулоқотда чин маънода биз, тадбиркорлар учун катта имконият яратиб берилди. Мулоқотда давлатимиз раҳбарига кейинги беш йилликда ўртача ойлик маоши икки минг доллар бўлган 100 минг дастуричи тайёрлаш бўйича ўз фикрларимни айтган эдим. Президентимиз ўша жойининг ўзида

Мурод ФАРМОНОВ,
Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Мурод фарм текстиль” масъулияти чекланган жамияти раиси

Давлатимиз раҳбари ўтган йили илк бор биз, тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқот ишимизни янада ривожлантиришға илҳомлантирди. Хусусан, ушбу учрашув олдида тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммолар ҳақида сўралган эди. Мурожатлардан келиб чиқиб, Президентимиз бизнесини молиялаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесға солиқ юкини камайитириш, ер ажратили, инфратузилма каби бир қатор тартиб-таомилларни соддалаштириш масалаларига тўхталиб ўтган эди. Натижада аййиб ўтилган масалалар ечимини фаолиятимизда ҳис қилляймиз.

Биз бундан унумли фойдаланган ҳолда, фаолиятимизни кенгайтиришға бел боғладик. Бунга аста-секин эришялмиз. Корхонада тикувчилик йўналиши мавжуд бўлиб, унда юзга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган.



Берилган имтиёزلардан фойдаланиб, яқинда Хитойдан 250 минг АҚШ долларлик янги ускуналар олиб келдик. Тез орада янги жиҳозлар ўрнатилиши билан яна ўттиз киши ишли бўлади.

Шунингдек, Германиядан 30 бош насли қорамол келтирдик. Бугун уларни 100 бошға етказдик. Яқинда Қамаш туманидаги фаолият тўхтаб қолган дам олиш сиҳаттоҳини қайта таъмирлашға киришдик. Тез орада бу

Ўша учрашувда айтилган гаплар, фикрлар тез орада амалиётға кўчаётгани билан аҳамият-лидир. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашға қаратилган қўллаб ҳужжатлар қабул қилиниши баробарида, ишбилармонлар бирин-кетин ўз лойиҳаларини рўёбға чиқаряптики, бу мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи йўлида янада шижоат билан ишлашға ундайди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛИ, ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ НУФУЗИ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



**Жавоҳир АҲМЕДОВ,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи
директори ўринбосари в.б.**

Бугун шиддатли ўзгаришлар даврида яшапмиз. Эзгу ишлар давлат, жамият ва одамлар ҳаётининг барча соҳасида кузатилмоқда. Рўёбга чиқаётган ислохотлар ташаббускор, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юксак натижага эришиш йўлида барча куч-ғайратини сафарбар эта оладиган билимли, профессионал кадрларни талаб қилади.

Шу боис, ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи университетлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида, илриқ трансмиллий корпорацияларда замонавий билим ва илгор хорижий тажрибани эгаллаб, юртимиз равиоки йўлида камарбаста бўладиган ёшларга эҳтиёж сезилмоқда. Шу каби мақсадни рўёбга чиқариш учун 2018 йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди. Унинг олдида юртимиз иқтидорли ёшлари ва давлат хизматчиларининг хориждаги нуфузли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этиш ҳамда замонавий билимга эга, креатив фикрлайдиган янги авлод кадрларини шакллантириш, уларни давлат хизматига жалб этишга кўмаклашиш вазифаси қўйилган.

Тараққиёт стратегиясининг 50-мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олий ўқув юртларига рўёбга чиқариш кўламини 2 баробар ошириш, бу жараёнда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларида ўқитиш вазифаси белгилангани ҳам жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош, салоҳиятли кадрларни етиштириш йўлидаги муҳим қадамдир.

2018-2022 йилларда 1 минг 500 нафарга яқин иқтидорли ва истиқболли йигит-қиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати деган юксак мақомга эга бўлди. Уларнинг 1 минг 50 нафарга яқини жамғарманинг тўртта таълим дастури бўйича АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Япония ва Жанубий Корея каби қирққа яқин ривожланган давлатнинг 300 га яқин олий таълим муассасаси, илмий марказлари ва нуфузли компанияларида билим, кўникма ва малакани олиш охириб қайтди. Ҳозир улардан 1 минг 20 нафари мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида самарали

муносиб 371 нафар стипендиат саралаб олинди. Бу жараёнда юртимиздаги қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Республика маънавият ва маърифат маркази экспертлари, хорижий мутахассислар, хорижий университетларнинг мамлакатимиздаги филиаллари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Чет элда ўқитиш айтишга осон. Аммо унинг иқтисодий-ташқилий жиҳатлари ҳам борки, уларни ҳал этиш кенг қамровли саъй-ҳаракат ва салмоқли маблаг талаб этади. Биргина ўтган йили жамғарма тарихида фақат хорижда таълим олишни ташкил этиш учун 142 ярим миллиард сўм маблаг ажратилди. 2022 йилда бу кўрсаткич 170 миллиард сўмга оширилди. Биз охириги икки йилда тўрт юзга яқин мутахассисни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари — АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Япония, Франция, Канада давлатларига юбордик. Биргина АҚШнинг ўзида ўтган йили 100 га яқин мутахассисимизнинг таълим олиши йўлга қўйилди. Британияда 70 га, Италияда 30 га яқин ўзбекистонлик йигит-қизнинг билим ва тажрибасини бойитишга кўмаклашилди. Жараённинг кетма-кетлиги бугун юртимизда яратилаётган имкониятлар билан боғлиқ.

Бу йил 30 июнь — Ёшлар кунида давлатимиз раҳбари билан бевоcита мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлди. Президентимизнинг биз билан учрашувда “Сизлар ислохотларнинг бошида туришингиз керак. Бу ислохотларга янгилик қўйиш керак, бу илохотларга янгилик қўйиш керак, бу илохотларга янгилик қўйиш керак”, деган тавсиявий аҳамиятга эга сўзлари стипендиатларни руҳлантирди.

2022 йил учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси 480 ўринга мўлжалланган стипендия танловини эълон қилди. Бугунги кун ҳолатига кўра, 262 нафар йи-



Британия, Германия, Франция, Италия, Япония ва Жанубий Корея каби ўнга яқин ривожланган давлатнинг 80 дан ортиқ университетига ўқиш учун юборилади.

Республика вазирлик, идора ва ташкилотларининг хорижда тайёрланган кадрларга, шунингдек, юртимиз ёшларининг хорижда таълим олишга эҳтиёжи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис, 2022-2026 йилларда жамғарма таълим дастурлари бўйича четга элга ўқиш учун юбориладиган талаба ва мутахассислар сони йил сайин оширилади. Масалан, 2021 йилдаги 350 нафардан 2026 йилда 700 нафарга етказилади. Бу жараёнда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларида ўқитиш ҳамда жамғарма танловларини ўтказишда ўтган йили ортирилган тажрибага асосан, 2022 йилдан бошлаб стипендия танловларини етакчи хорижий давлатларнинг таълим тизими, қабул ва ўқув жараёнига мос даврда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, жамғарма битирувчилари билан мунтазам мулоқотни давом эттириш, давлат бошқарувида салмоқли ютуқларга эришган ижтимоий фаол стипендиатлар билан мулоқот ва тажриба алмашув майдонини яратиш мақсадида хорижий давлатларда истикомат қилаётган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошлар ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари иштирокида II халқаро форумни ўтказишга тайёргарлик кўрляпмиз.

Ушбу форумни ўтказишдан асосий мақсад — “Эл-юрт умиди” жамғармасининг хорижда таълим олаётган стипендиатлари, чет элдаги ватандош олимлар ва экспертлар билан телеқўриқ ташкил этиш, жамғарма битирувчиларининг меҳнат фаолияти самарадорлиги ҳамда уларнинг касбий қамолоти реал мониторингини йўлга қўйиш. Шунингдек, иқтидорли ва истиқболли ёшларнинг хорижда таълим олиши учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлиқни тарғиб этиш, уларни жамғарманинг стипендия танловларида фаол иштирок этишга руҳлантириш, стипендиатлар билан давлатнинг мунтазам мулоқотда бўлишини таъминлаш, уларнинг тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатишдан иборат.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси хорижда таълим олаётган ёшлар билан доимий онлайн мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Бу учрашувлар стипендиатларда ватанпарварлик тўғрисидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишга кўмаклашиш, шунингдек, келгуси режалари ҳақида биллш ҳамда уларни давлат хизматига жалб этиш мақсадида ташкил қилинаётир. Мулоқотда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Латвия, АҚШ, Канада, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Россия, Беларусь ҳамда Қозғистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этмоқда.

2021-2022 йилларда 20 дан ортиқ нуфузли хорижий университет ва ташкилотлар билан ҳамкорлик юзасидан икки томонлама меморандум ҳамда бошқа қелишувларга эришилди. Мазкур қелишувларга асосан, стипендиатларнинг ўқиш харажатларидан 20 фоиздан 40 фоизгача чеғирма олиниб, давлат бюджетидан сарфланадиган маблаг иқтисод қилинмоқда.

Юртимиздаги иқтидорли ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни такомиллаштириш, уларнинг хориждаги нуфузли университет ва илмий муассасаларда, инновация ва бошқа компанияларда таълим олишини ташкил этиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси ёшларимизга янги имкониятлар яратишда давом этади.

**Мумтоз маҳалбегим
Абдуқундузова,
жамғарма стипендиати:**

— Бу йил мен учун жуда омадли келди. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2022 йилда бўлиб ўтган 1-стипендия танлови ғолиби бўлиб, Буюк Британиянинг Нъюкасл университетига биотиб-биёт йўналиши бўйича ўқишга қабул қилиндим.

Болалигимдан чет элда ўқишни орзу қилардим. Ўтган йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳақида эшитдим. Бу йилнинг бошида танловда иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Бу жамғарма Президентимиз томонидан ташкил қилингани, хорижда ўқиш юрганимизда ҳам хавфсизлигимиз таъминлангани ота-онамда ҳам ишонч уйғотди. Ёлғиз фарзанд бўлишимга қарамай, улар хорижда тахсил олишимга қаршилиқ қилмади.

**Амира АСҚАРОВА,
жамғарма стипендиати:**

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил Ёшлар кунида сўзлаган нутқи қалбимдан чуқур жой олди. Мен ҳам шу учрашувда иштирок этдим. Президентимиз биздан салмоқли ютуқларни кутаётганини тушуниб етдим.

Оилада икки фарзанд тўлов-контракт асосида ўқидик. Отам бир ўзи ишлагани учун шартнома пулини тўлашда жуда қийналганмиз. Бугун эса имконият бошқача. 2020 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битирганман. Фаолиятимни Тошкент шаҳридаги Инха университетининг талабаларни қўллаб-қувватлаш бўлимида етакчи мутахассис сифатида бошладим.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиясига эришиш осон бўлмади. Унинг ортида тинимсиз меҳнат этади. Ҳаракатларим бесамаз кетмади. АҚШнинг нуфузли 300 талик университетлари

“

**ЧЕТ ЭЛДА, АЙНИҚСА, ЕТАКЧИ УНИВЕРСИТЕТЛАРДА ЎҚИШ УЧУН
ОДАМНИНГ МОДДИЙ ИМКОНИАТИ ЮҚОРИ БЎЛИШИ КЕРАК. АЙНИҚСА,
МЕН ТАНЛАГАН ТИББИЁТ СОҲАСИ БЎЙИЧА ТАҲСИЛ ОЛИШ ЖУДА
ҚИММАТ. ЎҚИШ, ЯШАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШГА ОИЛАМИЗНИНГ
ҚУРБИ ЕТМАСДИ. ЖАМҒАРМАНИНГ КЎМАГИ ЭСА АНА ШУ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛИБ, ОРЗУЛАРИМГА ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ.**

**Беҳзод ХОЛМУРОДОВ,
жамғарма стипендиати:**

— Ўтган йили Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технология тадқиқотлар университети (Россия) “МИСиС”нинг Олмалик шаҳридаги филиали 1-курсни тамомладим. Ушша йили АҚШнинг Дрексель университетига ўқиш тақлифини олгандим. “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиясига ҳақида эшитганимдан сўнг дарҳол ҳужжат топширдим. Имтиҳонларда ўз фикримни эркин баён этдим. Турли экспертлар олдида ўз фикрини эркин билдирган инсон келгусида чет мамлакатдаги исталган мутахассис билан Ўзбекистон келажаги, тарихи, маънавияти, урф-одатлари ҳақида бемалол баҳс юрита олади. Шу боис, мен ҳам равои, мазмунли суҳбатлашшга ҳаракат қилдим. Шундан сўнг АҚШга жўнаб кетдим. У ерда ўқишни бошлаганимга бир ой бўлмасдан “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати бўлганим ҳақида хабар қилишди. Бу жуда қувончли воқеа эди. Оиламиз аъзолари қанчалик хурсанд бўлганини таърифлаб беролмайман. Бу жуда катта натижа. АҚШда

Бобур ТЎРАЕВ, жамғарма стипендиати:



— Тиббиёт ҳар бир давлатда энг долзарб соҳалардан. Айнан мен танлаган болалар кардиожарроҳлиги



Чет элда, айниқса, етакчи университетларда ўқиш учун одамнинг моддий имконияти юқори бўлиши керак. Айниқса, мен танлаган тиббиёт соҳаси бўйича тахсил олиш жуда қиммат. Ўқиш, яшаш

харажатларини қоплашга оиламизнинг қурби етмасди. Жамғарманинг кўмаги эса ана шу муаммоларга ечим бўлиб, орзуларимга қанот бағишлади.

Мен танлаган биотиббиёт аънавий тиббиётдан фарқ қилади. Бу энди ривожланаётган соҳа бўлиб, касаллик келиб чиқишдан олдин уни бартараф этиш учун курашишни ўргатади. Бунинг асосида биохакинг, яъни организмдаги жараёнларни билиш, имкониятларини ўрганиш этади. Бу соҳада тадқиқотлар олиб бориб, келиб чиқиши мумкин бўлган турли касалликларни ҳужайралар босқичида даволашни ўрганмоқчиман. Инсониятни соғлом ҳаёт тарзига ўргатувчи бу фан ҳозирча баъзи ривожланган мамлакатлардагина тадқиқ этилмоқда. Келгусида соҳани мукаммал ўрганиб, уни юртимизда ҳам қўллаш, аҳолининг саломатлигини таъминлаш ва узоқ умр кўришига ҳисса қўишни ният қилганман.



ни ўрганиб, юртимизда тадқиқ этиш, ўзим танлаган соҳани ривожлантиришдир. Жамғарма орзуларим рўёбга кўпик бўлди. Нафақат моддий, балки маънавий куч ҳам берди. Мен бу қарзни ватаним олдидаги хизматим билан қайтараман.

“

**ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ 50-МАҚСАДИДА
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ОРҚАЛИ ЭРКИН
ВА ИЖОДИЙ ФИКРЛАЙДИГАН ЁШЛАРНИ НУФУЗЛИ
ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА
ЮБОРИШ КЎЛАМИНИ 2 БАРОБАР ОШИРИШ, БУ
ЖАРАЁНДА ЁШЛАРНИНГ 50 ФОИЗИНИ ТЕХНИК,
АНИҚ ФАНЛАР ВА IT СОҲАЛАРИДА ЎҚИТИШ
ВАЗИФАСИ БЕЛГИЛАНГАН ҲАМ ЖАҲОН МЕҲНАТ
БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШ, САЛОҲИАТЛИ
КАДРЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ
ҚАДАМДИР.**

илмий-педагогик ҳамда амалий фаолият олиб бормоқда.

Биз ҳар йили вазирлик ва идораларнинг жамғарманинг бакалаврият, магистратура ва докторантура хорижда таълим олиш дастурига реал эҳтиёжини ўрганимиз. Бу тахсилдан кўринадиган, вазирлик ва идораларнинг илгор хорижий тажрибани эгаллаган мутахассисларга эҳтиёжи жуда ҳам юқори. Яъни бир йиллик эҳтиёж ўртача 3-4 минг атрофида эканини кўраимиз.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 11 февралдаги “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан, жамғарманинг асосий таълим дастурлари муайян даражада ўзгарди. Жумладан, илк бор жамғарманинг таълим дастурлари қаторига бакалаврият қўшилди. Айни пайтда мактаб, академик лицей ва коллежларни ёки Президент таълим муассасаларини тугатаётган ўғил-қизлар учун жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиш имконияти яратилди.

Ўтган йили жамғармамиз учта стипендия танловини ташкил этди. Унинг натижаларига кўра, энг

гит-қиз жамғарма стипендиати бўлди. Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ, жорий йил сентябрь ойида қолган 218 ўрин учун навабдаги 3-стипендия танловини ўтказиш режалаштирилган.

Жамғарма томонидан бу йил ўтказилган иккита стипендия танлови натижаларига кўра, 262 нафар талаба ва давлат хизматчиси “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати мақомига сазовор бўлиб, уларни хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасаларида ўқишга юбориш режалаштирилган. Шулардан 82 нафари хотин-қизлардир.

Бугунги кун ҳолатига кўра, 120 га яқин стипендиат билан тўрт томонлама шартнома имзоланди. Қолган 130 дан ортиқ стипендиат билан август ойида шартномалар тузилиб, жорий йил сентябрь ойининг охирига қадар АҚШ, Канада, Буюк

Ушбу билим ва кўникмаларимни ҳозир фаолиятим давомида имкон даражасида кичкинтойларни даволашда қўллаб келяман.

Жамғарма ҳар жиҳатдан бизни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Келгусида сафимиз янада кенгайиши табиий. Чунки чет элга билим олиш учун юбориладиган ёшлар сони ортиб бораёти. Хорижда таълим олган ёшлар танқидий фикрлаш орқали муаммага тез ечим топа олиши, жаҳоннинг етакчи илм дарахларида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиши, энг илгор тажрибаларни ўзлаштиргани билан бошқалардан фарқ қилади. Бундай ёшлар келажада юртимизнинг тараққиётига катта ҳисса қўшади.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА
ёзиб олди.**

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ШУКРОНАМИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор

Агар одам эътибор қилмаса, юраги ураётганини ҳам, олаётган нафасини ҳам эшитмайди. Ахир бу табиий жараён-ку, деб қабул қилади. Темир йўл ёқасида, аэропортга яқин яшайдиганларникига меҳмонга борсангиз, “Сизларга тўзим берсин. Бу шовқинда қандай яшайсизлар”, дейсиз. Улар эса, “Бизга билинмайди”, деб қўяди.

Худди шундай. Нимаики кўп, доимий бўлса, одам шунга ўрганиб, кўникади. Бошида ҳайрат уйғотган янгиликлар бора-бора одатий ҳол бўлиб қолади. Ўзи шундай бўлиши керак-да, деймиз. Эътиборимизни “ўчириб” қўямиз. Натижада ҳар куни кўпайиб, юксалиб бораётган осмонўпар биноларга ҳам шунчаки қараймиз, лекин синчиклаб кўрмаймиз. Телевидение, ижтимоий тармоқ, газеталар орқали бериб борилаётган бўлса-да, бир кунда мамлакатимизда қанча яхши ишлар бўлаётганига ҳам кўникиб қолдик. Бунга сабаб ўзгаришлар кўплигида, тезлигида.

Лекин эътиборли, ҳафсалали одамларимиз ундай эмас. Улар билан гаплашсангиз, “Бир инсоннинг ғайрати бир мамлакатни ислоҳ қилишга етади”, деган ҳикматни эслайди. Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидан одамнинг ақли шошади. Ҳамма соҳада. Президентимизга раҳмат. “Халқим рози бўлсин, бой бўлсин. Ўзбекистонда камбағал қолмасин”, деб кечаю кундуз тинмаяпти. Бунинг ҳаммаси кўриб турибмиз.

Яна бир тоифа бор. “Ҳа, яхши ишлар кўп. Давлат бўлганидан кейин қилади-да, кўпнинг иши бўлаверади”, деб қўяди. Уларга “Кечирасиз,

Давлат олий таълим оламан, касб-хунарга ўрганаман, деган опа-сингилларимизга яна бир ғамхўрлик мададини узатди. Президентимиз қарорига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртки, кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида ўқиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига давлат бюджети-дан маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилди.

Таълим кредитининг асосий қисми қачон қайтарилади? Талаба хотин-қизларимиз ўқишни тугатиб, олти ой ишлаб, ойлигини олганидан сўнг, еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бу 4-5 миллион оилаларимизнинг шукронаси, дегани эмасми?! Бу эртага шу қизларимиз келин бўлиб борадиган хонадонларнинг шукронаси эмасми?! Зиёли қизларимиз зиёли она бўлиб, миллатимизни юксалтирадиган зиёли ўғил-қизларни тарбиялаб етиштиради.

Халқимиз соғлиги, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб бораётир.



“ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ҚАЧОН ҚАЙТАРИЛАДИ? ТАЛАБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ЎҚИШНИ ТУГАТИБ, ОЛТИ ОЙ ИШЛАБ, ОЙЛИГИНИ ОЛГАНИДАН СЎНГ, ЕТТИНЧИ ОЙДАН БОШЛАБ 7 ЙИЛ ДАВОМИДА ҚАЙТАРИЛАДИ. БУ 4-5 МИЛЛИОН ОИЛАЛАРИМИЗНИНГ ШУКРОНАСИ, ДЕГАНИ ЭМАСМИ?! БУ ЭРТАГА ШУ ҚИЗЛАРИМИЗ КЕЛИН БЎЛИБ БОРАДИГАН ХОНАДОНЛАРНИНГ ШУКРОНАСИ ЭМАСМИ?! ЗИЁЛИ ҚИЗЛАРИМИЗ ЗИЁЛИ ОНА БЎЛИБ, МИЛЛАТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРАДИГАН ЗИЁЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРАДИ.

субсидия ҳамда уй-жойини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмасди. Устига-устак уч қарра солиқ тўлаш уларнинг кайфиятини уч қарра хира қилиб келаётган эди-да.

Президентимиз раислигидаги видеоселектор йиғилишида бу азоб-га малҳам қўйилди. Мамлакатимизда кадастри йўқ хонадонларнинг муаммолари узил-кесил ҳал қилинадиган бўлди. Янги қонун қабул қилингунига қадар бу уй-жой эгаларига уч қарра оширилган солиқ қўллаш тўхтатилди. Бу 2,6 миллион оиланинг, уларнинг қандайдиганлари, қариндошларининг шукронаси, дегани эмасми?! 2,6 миллион юртдошимиз халқпарвар давлат қандай бўлишини ўз ҳаётида ҳис қилди.

Халқимиз оқибатли, шукронали. Шукроналарини дилдан тилга, қаламдан қоғозга тушириб, атрофдагиларга айтиб юрадиган обрўли, ижодкор нуроний отахон, онахонларимиз кўп.

Олмаҳон опа Отажоновна ана шундайлардан бири. Оддий, ҳокисор, мумина ўзбек аёли. 3 фарзанднинг онаси, 10 набиранинг бувижони. Ўрта мактабни тамомлаб, тикувчилик ҳақида тилувчи, боғчада тарбиячи бўлиб ишлади. Пенсияга чиқди. Ҳозир каттаю кичикнинг эъзозиди. Маҳаллаларнинг илтимоси билан яраштирув комиссиясида маслаҳатчи бўлиб ишлаб келмоқда. Хоразмнинг Богот тумани Найман қишлоғида кексалик гаштини суриб, завқ, илҳом билан яшаяпти.


Олмаҳон опа — маҳалла маърифатпарвари. Давраларда миллий қадриятларимиз, Богот, Хоразм зиёратгоҳлари тарихи, аجدодлардан қолган ривоятларни, мамлакатимизда бўлаётган улғу ишларни айтиб юради. Опага ҳеч ким бу топшириқни бермаган. Ўзи, қалб даъвати, кўнгли буюргани учун қилади бунини. “Мен билган, кўрган, эшитганларимни айтмасам, ёшлар қаердан билсин? Ёшларнинг қулоғида қолсин, дейман”, дейди опа.

Олмаҳон опа мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб кичкинагина рисола чиқарибди. Ўз ҳисобидан. Унда ижод намуналарини, молалиридан эшитган, аждодлардан қолган ривоятларни тўплабди. “Шукрона” деб атабди. Тоza фикрлардаги самимият

ИЗҲОР

Инсон орзулар билан тирик. Орзу билан ҳаётнинг рангини илғайди, ўтаётган лаҳзалар қимматини ҳис қилади. Бир орзу ортидан янгииси бўй кўрсатади. Ғалабага эришишгача бўлган йўл ҳам аслида орзу.

БУЮК ҒАЛАБАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА



Оксана ЧУСОВИТИНА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спорт
устози

Болалигимдан машхур гимнастикани бўлишни ҳаёл қилганман. Олдимга катта-катта мақсадлар қўйдим. Маррага етиш учун меҳнатдан қочмадим, қийинчиликларга таслим бўлмадим. Спорт билан шуғулланишимиз учун етарли шароит йўқлигига қарамай, машғулотларда тобландик. Ҳозир ўйлайман: бугунги имкониятлар бизга аввалроқ берилганда, каттароқ натижаларга эришган бўлармик?!?”

“ҲАМИША БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН ГИМНАСТИКА ЗАЛИМИЗ БЎЛИШНИ, У ЕРДА БОЛАЛАР СПОРТ БИЛАН БЕМАЛОЛ ШУҒУЛЛАНИШНИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ГИМНАСТИКА ЮКСАК ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНИШИНИ ИСТАГАНМАН. БУГУН ҲАР БИР ҲУДУДА ОРЗУМИЗДАГИ ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН.

Бугун деярли ҳар куни бирор спортчининг ёки терма жамоаларимиздан бирининг муваффақияти ҳақида хушхабар эшитамиз. Натижалар ўз-ўзи-дан қўлга киритилмаяпти. Буларнинг бари — эътибор самараси. Кўнглида истак бўлса, меҳнатдан қочмаса, спортчи ғалабага эришади. Бу табиий. Бирок машғулотлар учун шароит, жаҳон чемпионатларида иштирок этиш учун имконият, бундан ташқари, давлатнинг спортчиларга руҳий қувват бериши муваффақиятга етишда муҳим омил.

Замонамизнинг ёшларига ҳавасим келади. Имконият излаб туман ёки вилоят маркази, пойтахт сари интилишга зарурат қолмади. Шундай тизим яратилдики, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун эрта ёшдан эътибор қаратилмоқда. Нафақат шаҳар, балки олис ҳудудларда ҳам — маҳаллаларда, мактабгача таълим ташкилотларида замонавий машғулот хоналари мавжуд. Улар кичкинтойларнинг соғлом ўсиши учун кераклик спорт анжонлари билан жиҳозланган. Мени ҳаммадан ҳам лол қолдирадиган жиҳат шуки, катта спортга илк қадамни маҳаллалардан чикмасдан бошлашимиз мумкин. Спорт майдончалари деярли ҳар бир турар жой ҳудудида очилди. Иқтидорли болаларни излаб топаш учун эса профессионал мураббийлар жалб этилган. Эҳтимол, ушбу мактаблардан, спорт тўғрисида чемпионлар етишиб чикмас, бироқ уларнинг спорт билан шуғулланиши келажақда соғлом авлод сафи кенгайишига туртки бўлади, деб ўйлайман.

Ҳамиша барча шарт-шароит билан таъминланган гимнастика залимиз бўлиши, у ерда болалар спорт билан беамалол шуғулланишини, мамлакатимизда гимнастика юксак даражада ривожланишини истаганман. Бугун ҳар бир ҳудудда орзумиздаги шароит яратилган.

Шу ўринда гимнастикага қаратилган эътиборнинг юксак намунаси сифатида Президентимизнинг “Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини манауният билан таъкидлашни истардим.

Бу қарорни шахсан давлатимиз раҳбарининг спортни ривожлантириш, бадий гимнастика бўйича ўзбек мактаби нуфузини ошириш, бу йўналишнинг узок вақтдан бери йўқолиб бораётган анъаналарини қайта тиклашга қаратган эътибори, деб биламан. Бу қадам ўзбек гимнастикасининг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга улкан умид бахш этади. Мен учун бу — шараф. Қўндалик кичик орзуларимнинг кун келиб ҳақиқатга айланишини кутмагандим. Энди энг йирик халқаро майдонларда, жаҳон чемпионатларида, қитъа турнирларида, албатта, Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб туришини кўришни орзу қиламан. Насиб бўлса, қанчалик иқтидорли, истиқболли фарзандларимиз борлигини намойиш этамиз.

Гимнастика мактабида турли даражадаги халқаро ва ҳудудий мусобақалар — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқа кўплаб турнирларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчилар тайёрлаш мақсад қилинган. Машғулотлар халқаро стандартлар даражасида ташкил этилади.

Яна бир гап. Мен Токио Олимпиада-сида бутунлай бошқача натижа кўрсатишни истардим, аммо қўтилмаган ва-



бу оламда нима ўз-ўзидан бўлибди? Тўйда ош ейишингиз учун ҳам кимдир қошиқни ювиб, артиб, олдингизга келтириб қўйиши керак-ку!”, “Ўз-ўзидан бўлаверса, бу ўзгаришлар нега шу пайтгача бўлмади?”, дегингиз келади.

Биз ўз боболаримизнинг айтган-ларига амал қилиб яшай бошладик. Ҳаракатга келдик. Гапдан ишга ўтдик. Чунки Замаҳшарий бобомиз айтганидек, “Ҳаракат заиф бўлган жойда кучли билим фойдасиз. Ҳаракатсиз билим — илмсиз камон ўқи”. Мана, ҳаракатдан баракат бўлаётир. Миллий юксалиш, деб отган камон ўқларимиз фаровонлик, бахт, деган марраларга қадалаяпти.

Бу нима дегани? Келинг, фактлар сўзласин: опа-сингилларимизга меҳрибонлик давлат сиёсатида айланди. Хотин-қизлар ким? Сизнинг, менинг оналаримиз, қизларимиз, қишлоқдош, маҳалладош опа-сингилларимиз. Ҳар бир оиланинг хотин-қизи бор. Хотин-қизларга ғамхўрлик, бу — Ўзбекистондаги ҳар бир оилга ғамхўрлик, дегани. Улар ҳунари, олий маълумотли бўлса, оилаларимиз ҳам маънавий, ҳам моддий бой бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассиси Тожиддин Қосбугабетовнинг айтишича, 2015 йилга қадар инвестиция дастури доирасида 30 миллиард сўм ажратилган. Ҳозирги кунга келиб бу ракам 1 триллион сўмгача етган.

Дастур доирасида Мўйноқ аэропортини таъмирлаш учун 105 миллиард сўм, Нукусдаги Президент мактаби учун 74 миллиард сўм, Нукусдаги тиббиёт клиникаси тўлиқ реконструкцияси учун 85 миллиард сўм ажратилган.

— Нукус шахрига ажратилган 205 миллиард сўм эвазига шаҳар ободонлаштирилмоқда: яшил ҳудудлар очилиб, автомобиль йўллари, пйедалар ва велоўлаклар қўрилмоқда. Буларнинг барчаси Қорақалпоғистон учун жуда қувонарли ҳол, — дейди Тожиддин Қосбугабетов.

Ҳа, бу оз маблағ эмас. Лекин инсон қадри, халқ розилиги ундан қимматлигининг исботи эмасми бу?!

Яна бир яхши гап. Шу пайтгача юртимизда кадастри йўқ 2,6 миллион уй-жой эгаларига уч қарра оширилган солиқ қўлланалар эди. 2,6 миллион уй-жой эгаси томорқа учун кредит,



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:50 Топширилди — 01:05